Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган | № 68 (65944) 1996 йил, 18 сентябрь, чоршанба | Сотувда эркин нархда

КЕЛИШИБ НОМ ҚЎЙИШГАНМИ?

Ирода Мирҳожиева билан Зиёда Саъдиевалар Янгийўл туманидаги 10-мактабда ўқишади. «Ота-оналари келишиб ном қўйишганми, улар Фотима — Зуҳрадек аҳил, аълочи» дейишади устозлари.

Ростдан ҳам шундай бўлган экан. Тотув қуни-қушнилар «болаларимиз ҳам иноқ бўлишсин»,— деб келишиб ном қўйишган экан.

Ирода серҳаракат, жисмоний меҳнатни яхши кўрадиган, жониворлар ҳаёти, табиат ҳодисалари билан қизиқадиган қиз. Мабодо уйдаги анжомларни таъмирлаш, девор оқлаш, эшикромларни бўяш ишларими, барисини бекаму кўст бажаравери. У ҳатто дадасининг машинасини тузатишда ҳам бемалол кўмаклашади.

Зиёда бўлса камгап, нозик дидли, ораста қизлардан. Бўш вақтларида бичиш-тикиш, турли ширинликлар пиширишни хуш кўради.

Ўшанда икки дугона қуйи синфларда ўқир эдилар. Ироданинг бобоси оғир дардга чалиниб, узоқ ётиб қолди. У акаопалари қатори навбат билан отахон ёнида қолар, баъзан мактабга ҳам бора олмасди. Шунда Зиёда мактабдан қайтгач, дугонаси ёнига чиқиб ўтилган дарсларни тушунтириб, уй юмушларида ҳам кўмаклашарди.

Аҳил дугоналар ёзги таътилда чевар тикувчи Хатира опадан бичиш-тикиш сирларини ўргандилар. Ҳозир эса мактабда ўқишни давом эттирмоқдалар.

Синфдошлар орасида

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Янгийўл туманидаги 3-мактаб.



БОБОМ АЙТГАН ЭРТАКЛАР

Пишиқчилик бошланди дегунча Яшарқул бобомнинг юмушлари кўпайгандан кўпаяди. Меваларнинг тагига тушганини йиғиб, қоқи қиладилар, шафтоли, гилос, олча териб шарбат тайёрлатадилар. Қишда уларни маза қилиб тановул қиламиз.

«Янги ҳаёт» бобом яшайдиган қишлоқнинг номи. Ҳар гал таътилни мен ўша ерда ўтказаман. Бу гал ҳам шундай бўлди. Дадам, аям, укаларим билан бобом ҳузурига бордик. Ҳар галгидек бобом, бувим, тоғаларим қувонч билан кутиб олишди. Дарҳол кийимбошларимни алмаштирдимда, боғ томон чопдим. «Ҳайҳай»лашларига қарамай дарахтга тирмашдим. Каттакон шохга ўтириб олиб, мевалардан еб, атрофни томоша қила бошладим:

Шу алфозда кун ботгунча боғдан чиқмадим. Бобом ҳам мен билан бирга юрдилар. Менинг эса мароқли кунлар бобом айтган эртаклар, латифалар, сира ёдимдан чиқмайди.

Дилёрбек ТУРҒУНОВ,
Балиқчи туманидаги 5-мактабнинг 2-синф ўқувчиси.

ТАРИХГА МЕҲРИМИЗ ОШМОҚДА

Меҳрибон, меҳри бор муаллим

Ўшанда сўнгги қўнгироққа саноқли кунлар қолганди. Дугоналарим Салтанат, Муаззам, Муниса, Зуҳролар билан устозимиз Ҳамида опа ҳузурига кириб бордик.

— Устоз, энди сиз билан роса уч ой учрашмаймиз, машғулотлар ҳам бўлмайди, зерикиб қоламиз-ку? — дедик мақсадимизни очиқ айтишга ийманиб.

Муаллимамиз бизни ўзимиздан ҳам аввалроқ тушунган эканлар.

— Мен бу ҳақда ўйлаб қўйганман, — дедилар бизни ҳайрон қолдириб, кейин давом этдилар. — Таътил кунлари ҳам машғулотларни тўхтатмаймиз, ҳафтанинг жума куни учрашиб турамиз.

Биз хурсанд бўлдик.

Мана, таътил дамлари ҳам ортда қолди. Мактабимиз қучоғига қайтдик. Ёз бўйи ўрганганларимиз — «Темур тузуклари». Ватанимиз истиқлолга етиб келгунча қанча воқеаларни бошидан кечирганлиги ҳақидаги суҳбатлар ўз тарихимизни янада мукаммалроқ ўрганишга меҳримизни ошириб бормоқда.

Яна бир қувончли гап: Биз таътил кунлари бўлиб ўтган «Буюк Амир Темурни ўрганамиз» кўрик танловида туман мактаблари ўртасидаги беллашувда ғолиб чиқдик. Соҳибқирон бобомиз сиймосини саҳнада жонлантиришда, унинг саркардалик юришлари ҳақида маълумот тўплашда бизга устозимиз Ҳамида опанинг улкан меҳнатлари бор.

Нилуфар ҲОЛИҚОВА,
Бўз туманидаги Амир Темур номли 7-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

***

Мактабимизда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида ижодкор ўқувчиларнинг мусобақаси ўтказилди. Унда ҳозирги замон таниқли шоирларининг шеърлари ифодали ўқиб берилди. Зафар Азимов, Шоҳида Аъзамова, Наргиза Назарова ва бошқалар иштирок этган тадбирни кутубхоначимиз Манзура Очилова уюштирди.

Бахтишод ЎРОҚОВ,
Ғиждувон туманидаги 17-мактаб ўқувчиси.

***

«Табассум». Бу — мактабимизда ташкил этилган ёш санъаткорлар гуруҳининг номи. Унга Истамжон ака Худоёров раҳбарлик қиладилар. Билим масканидаги ҳеч қандай тадбир уларсиз ўтмайди. Энг қизиқарлиси, янги ўқув йилидан бошлаб энг аълочи синф ўқувчилари «табассум»чилар хизматидан баҳраманд бўлишади.

Бахтигул ХУДОЙҚУЛОВА,
Денов туманидаги Муқимий номли мактаб ўқувчиси.

***

Ўқишлар бошланиши билан мактабимизда турли-туман мусобақалар ҳам бошланиб кетди. Буни яқинда бўлиб ўтган «Ким чиройли ёзади?» беллашувидан ҳам билса бўлади. Баҳслар айниқса қуйи синф ўқувчилари ўртасида кескин тус олди.

Дилором ЯХШИБОЕВА,
Касби туманидаги 31-мактаб ўқувчиси.



Болалар, оранғизда пиоҳиёт ва мистика бўйича республикамизда ягона нашрлар ҳисобланмиш «Қалб кўзи» жаридаси ва «Сирли олам» ойномасини зўр қизиқиш билан ўқимайдиган, уларда эълон қилинадиган ажойибу ғаройиб воқеа–ҳодисалардан ҳайратланмайдиганлар топилмаса керак. Бу нашрларнинг доимий мухлиси бўлсангиз, эътибор бергандирсиз, уларнинг деярли ҳар бир сонида Рустам ОБИДнинг катта–катта илмий мақолалари чоп этилади. Уларнинг айримларини ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаган, сизу биз учун нотаниш руҳий олам ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлгандирсиз. Айримларингиз ҳикоя қилинаётган воқеалар тафсилотига пшонқпрамай, «йўғ–э, бўлиши мумкин эмас» деб юборгандирсиз ҳам.

Эшитайлик–чи, бу хусусда Рустам аканинг ўзлари қандай фикрда эканлар.

— Рустам ака, кўпчиликдан болалик хотиралари ҳақида сўраганимизда юзларига табассум югуриб, дил-дилдан яйраб кетишади. Сиз ўз болалигингизни қандай хотирлайсиз?

— Болалик тўғрисида сўзлашни, унинг эртакнамо оламига яна бир хаёлан саёҳат қилишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз? Узим Тошкентда, Себзор маҳалласида туғилган бўлсам-да, болалигим Куктерак қишлоғида, Сариоғоч шаҳридa, Калас ва Захариқ қўйларида ўтган, бувам билан бувимнинг қўлларида катта бўлганман. Бувам — Аҳмад ота эртакнинг кони эдилар. «Минг бир кеча»дан Зайнул Араб қиссасини, Қунтўғмиш, Гўрўғли достонларини ёддан айта бошласалар, каттаю кичик киприк қоқмай тинглашарди. Ва ҳар доим турлича оҳангда, бошқача мазмунда айтиб берардилар, бирон жойда тутилмасдан, йўл-йўлакай тўқиб, қофиясини тўғрилаб кетаверардилар. Бувам қўшилган ҳар қандай даврага файз киргандек бўларди гўё. Мен эса уззу-кун у кишининг кетларидан қолмасдим. Айтган достонларини неча-неча бор эшитган бўлсам ҳам, ҳар гал бошқача иштиёқ билан тинглардим. Менда адабиётга, ижодга бўлган қизиқиш айнан ана ўша — бувамнинг ёнларида ўсган. Китобга меҳр қўйишимнинг сабабчиси ҳам шу киши бўлсалар керак, деб ўйлайман. Мутолаага шу даражада берилиб кеттандимки, ҳатто болаларнинг уйнидан ҳам аъло кўрардим. Бу ҳолатимдан бувимнинг ташвишга тушиб қолганларини айтмайсизми? «Кўп китоб ўқийверма, миянг суюлиб қолади», деб жавраганлари-жавраган эди.

Бир куни «Ун беш ёшли капитан» китобини мук тушиб ўқиб ётгандим, укам маҳалладаги болалар билан уришиб, тош отишиб, боши ёрилиб келибди. Бундан аччиқланган бувам: «Уканга қараш ўрнига китобдан бош кўтармайсан!» дея роса ҳойидилар. Жаҳл устида қўлимдан китобни тортиб олиб, ёниб турган учоққа улоқтирдилар. Мен эса жон ҳолатда учоқнинг ичига иккала қўлимни тиқиб, китобни тортиб олгандим. Қўлим куйганига ҳам парво қилмай, ёна бошлаган китобимни пуфлаб учира бошладим. Бувим «оҳ-воҳ» қилиб бармоқларимга малҳам босдилар. Бувам эса бир сўз демадилар, қовоқларини уюб бир оз тикилиб турдилар-да, индамай чиқиб кетдилар. Лекин шу-шу китоб ўқишимга қаршилик қилмай қўйдилар.

— Рустам ака, сиз «Тонг юлдузи» (аввалги «Ленин учқуни») газетаси қошидаги адабиёт тўгарагига аъзо бўлгансиз, деб эшиттандик. Демак, ижодкор бўлиб етишувингизда газетамизнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор экан-да?

— Мен ўзимни ижодкор деб билмайман, журналистман. Ҳажмидан, жанридан қатъий назар муаллиф ҳар бир мақолада қаламга олинаётган мавзуга нисбатан ўз муносабатини билдириши, фикр-мулоҳазаларини баён эта билиши лозим. Ўзим ҳам шундай мақолалар ёзишга интиламан.

Озми-кўпми журналистик фаолиятимда «Тонг юлдузи»нинг ҳиссаси улкан бўлган десам, янглишмайман. Газета қошидаги тўгаракка қатнаб юрганимда бизларга ўстозлик қилган Мурод Хидир, Маҳмуд Саъдий, Тохир Малик, Маҳкам Маҳмуд, Сафар Барноев, Эркин Маликовлардан беҳад миннатдорман. Улар бизни ҳеч аяшмасди, ёзганларимиз ёқмаса, чизиб-чизиб ташлашар, қайтадан ёзиб келишимизни тайинлашарди. 7-синфда ўқиб юрган кезларимда «Адоват» номли қисса ёзганман. Ҳамма қўкларга кўтариб мақтаганда, Раззоқ ака Абдурашидов «Кўп мақтайверманглар, ундан кўра ёрдам беринглар. Бола ҳали ёш, таҳрир нималигини билмайди» деганларида «еттинчи осмон»дан бироз пастга тушгандим. Маҳмуд Саъдий мажбурлаб Байронни рус тилида ўқитганлар. Таржимонликни ҳам салкам мажбурлаб ўргатишганди. Мана энди уларнинг сабоқлари ҳар дамда, ҳар қадамда асқотяпти. Ўша тўгаракдан чиққан Хуршид Дустмуҳаммад, Эркин Усмон, Баҳром Аҳмад каби қаламкаш дустларим ҳам бу фикримни тасдиқлашса керак, деб ўйлайман.

— Биз сизни илмий журналист сифатида яхши танимиз. Ҳозирги даврдаги фаолиятингизни, ижодингизни қандай изоҳлайсиз?

70 йилдирки, моддиюнчиликни, яъни у дунё йўқ, руҳий олам ҳақидаги гапларнинг бари бекор, деган таълимотни онгимизга қўйиб келишди. Одам ўлгандан кейин бутунлай йўқ бўлиб кетади, деган фикрга ишониб келдик. Биз аслида ҳатто фикрлашдан ҳам маҳрум бўлгандик, зотан, «Сизлар учун фикрлайдиганлар бор!» дея уқтиришарди.



Эндиликда, мустақиллигимиз шарофати билан, илмий креационизм, яъни замонавий илм-фаннинг динни тан олиши йўналиши ривожланмоқда. Халқимизнинг 70 йил давомида йўқола борган диний эътиқодини эндиликда илм-фаннинг ўзи орқали қайта тиклашимизга тўғри келяпти. Оддий бир қуртни олиб кўрайлик. У ўрмалаб кетяпти, эртага нима бўлишини ўзи ҳам билмайди. Ваҳоланки, унинг ҳаёти бир неча босқичли, дастлаб ғумбакка, кейин эса қанотларида қўёш нурлари товланувчи чиройли капалакка айланади. Наҳотки ана шу қуримсизгина ҳашоратга берилган кўп босқичли ҳаёт инсонга насиб қилмаган бўлса? Насиб қилган, чунки одам ҳаётдан кўз юмганидан кейин унинг вужуди ерда қолади. Руҳи эса бошқа бир оламда, илмий тилда айтганда бошқа улчамли оламда ҳаётини давом эттиради.

— «Сирли олам», «Қалб кўзи» да ана шу олам ҳақида жуда кўп ёзилади. Бундай воқеаларга одамнинг ишониши бироз қийинроқ-да.

— Тўғри, бундай саволларни бизга кўплаб беришади: «Бирортаси нариги дунёга бориб келибдими? Худди уз кўзингиз билан кўргандек ёзасизлар?» деб сўрашади. 60-70 йилларда тиббиёт соҳасида реанимация, яъни тирилтириш илми ривожланди. Бунинг натижасида клиник улим ҳолатидан қайтариш имконияти яратилди. Клиник ўлим ҳолатида бўлган беморлар бу даврда ўзга бир руҳий оламга тушиб қолганликлари, у ерда кўрган-кечирганларини айтиб бера бошладилар. Ажабланарлиси шундаки, ёши, жинси, миллати, ирқидан қатъи назар улар тасвирлаётган манзаралар бир-бирига жуда ўхшаш. Дунёдаги барча динлар,у дунёга бориб келаётган ўн минглаб одамлар тасдиқлаётган нарсани инкор этиш соғлом ақлдан эмас. Муҳими, одамлар ўлимдан қўрқмайдиган бўлиб қолишди. Чунки, инсон вафотидан сўнг ҳаёти бошқа бир оламда, ўзгача кўринишда давом этишини англаб етди.

— «Тонг юлдузи» ўқувчиларига қандай тилакларингиз бор?

— Болалар ҳар тонг барвақт уйғонишни одат қилсинлар. Чунки инсон табиатдан қувват оладиган маълум пайтлар бўлади. Кун ёриша бошлаган пайтдан то қуёш баркаши кўрингунча бўлган даврда одам уйғоқ бўлиши керак. Бирор иш билан машғул бўлиши шарт эмас. Уйқу ҳолатида, яъни, пассив, турғун ҳолатда бўлмаса кифоя. Бу пайтда одамнинг баданида табиатдан қувват олувчи махсус нуқталар очилади. Шунингдек, кун ботар пайтда ҳам одам иложи борича фаол ҳаракатда бўлмоғи лозим. Қари билганни, пари билмас деганларидек, кексаларимизнинг «барвақт уйғонган одамнинг ризқи-насибаси бут бўлади» ёки «Намозгарда ухламагин, ланж бўлиб қоласан» дея содда қилиб айттан ҳикматларида олам-олам маъно бор. Ваҳоланки, ота-боболаримиз биоэнергоинформатика (жонли организмлар ўртасидаги қувват-ахборот алмашинуви), эниология (табиатда қувват-ахборот алмашинуви) каби фанларни, уларга хос илмий атамаларни билишмаган. Балки минг йиллик ҳаёт тажрибалари, кузатишлари натижасидан келиб чиқиб, оқилона фикр юритишган. Катталарнинг ҳар бир гапи,панду насиҳатига амал қилган болалар ҳеч қачон янглишмайдилар. Яна,болаларимиз кўпроқ китоб ўқишсин. Бадиий адабиётми, тарихийми, фантастиками қандай бўлишидан қатъий назар,китоб билан самимий дустлашган бола комил инсон бўлиб етишуви шубҳасиздир.

Болалар, ўқиш кераклиги ҳақидаги панду насиҳатлар жонингизга тегиб кеттанини жуда яхши биламан. Бироқ шунга қарамай, қўлимга қалам тутқазиб,ижод номли сеҳрли оламга йўллаган қадрдон газетамнинг шу кундаги ўқувчиларига юракдаги ардоқли тилагимни айтмасам, кўнглим тинчимайди.

«Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш!» деган шиор ҳаммангизга таниш, аммо уни биринчи бўлиб Ленин айтмаганини ҳам биласизми? Дастлабки ваҳий келганида Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салллам:

— Мен ўқишни билмайманку! деганлар.

Шунда Оллоҳ амр қилган:

— Ўқи, ўқи ва яна ўқи!

— Илмни Чин (Хитой) мамлакатидан бўлса ҳам изланглар! — дейилади Ҳадиси шарифда.

— Илм олмакка интилиш жамики муслим ва муслималар учун қарзу фарз! — деган оятни Мирзо Улуғбек Бухорои шарифда қурдирган мадрасаси пештоқига ёздирган.

Турли мавзуар учун манбааларни ўрганиб юрган кезларим бундай мисолларга кўп дуч келаман ва ҳар сафар исломнинг бағри кенглигидан ҳайратга тушаман. Динимизнинг илмга муносабати гоҳо ажабланарли ҳодисаларни учратиш мумкин. Масалан, илм олишда миллат ажратмаслик, наинки мусулмонлар,балки ғайридинлар ҳам бемалол таҳсил кўриши учун кенг имконият яратиб беришга амал қилинган.

Чунончи, араблар даврида Искандария дорилфунунида баъзан 14000 талаба таҳсил олган. Кутубхонада 700000 жилд китоб бўлган. Бу ажабланарли эмас: халифалардан бирининг кутубхонасидаги китоблар рўйхатининг ўзи 40 жилд эди. Ажабланарлиси шундаки, ҳайвонот ва наботот боғлари, расадхонаси, жарроҳхонаси ва ҳоказолари ҳам бўлган ушбу дорилфунунда илм-фаннинг барча соҳаларида исталган диндаги кишилар ўқиши мумкин бўлган.

Китобни севган бола—Рустам Обид сўзининг охирида «Ўқинг, китобхонлик одамга унинг кимлигини ва қандай оламда яшаётганини англаб етишда ёрдам берсин шубҳасиздир», деди.

Суҳбатдош: Феруза ЖАЛИЛОВА.

КИТОБНИ СЕВГАН БОЛА

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» газетасидан бошлаймиз

Яқинда қўлимга «Тонг юлдузи» газетаси тушиб қолди. «Ўқитувчи минбари» рубрикасида берилган яхши мақола бор экан. Ҳузур қилиб ўқидим. Қишлоқ мактаблари ўқитувчиларининг республикадаги барча мактаб ўқитувчилари билан тажриба алмашишлари дарс олиб бориш усулларини ўртоқлашишлари учун энг қулай йўл матбуотда эълон қилинадиган ўқитувчиларнинг мақолалари эканлигига кафил бўлдим. Айниқса «Тонг юлдузи» газетасида берилаётган материалларнинг содда, ихчам лўндалиги мени хурсанд қилди. Менимча бу газетанинг обуна масаласини яхши йўлга қўйиш керак. Чунки бу фақат менга эмас, бутун мактаб ўқувчиларига асқотади.

Ҳозирча фақат мактаб кутубхонаси учун олинадиган «Тонг юлдузи» газетасини яқинда бутун мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари оладиган бўлишади. Мактабда ўтказилган мажлисда бу масалани кўтариб чиққанимда ҳамма мен томонда бўлди. Демак, бу йилги обунани «Тонг юлдузи» газетасидан бошлаймиз.

Шарофат ҲАЛИМОВА
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Й. Охунбобоев номли мактаб.

БУХОРОДАН ҚЎНҒИРОҚ БЎЛДИ

— Алло, бу «Тонг юлдузи» газетасими?

— Ҳудди шундай...

— Илтимос гапимни яхшилаб эшитинг...

Мен кўп болали онаман. Болаларимнинг етти таси ҳали мактабда ўқийди. Уларнинг дарсдан бўш пайтларида газет, журналларни ўқиб боришларини жуда хоҳлайман. Уларга ҳар доим журнал, газета сотиб олиб беришга кучим етмайди. Газетангизнинг болалар дунёсига бағишланган хабарлари, қизиқарли, тарбиявий мақолалари менга маъқул тушди. Айниқса, нархининг арзонлиги менга жуда қўл келди. Шунга обуна бўлмоқчи эдим.

— Жуда яхши ўйлабсиз...

— Бунинг учун кимга мурожаат қилай?

— Яхшиси болаларингиз мактабда обуна бўлақолишсин.

— Ҳар доим «Тонг юлдузи»ни уйга олиб келишини хоҳлардимда...

— Унда ўзингизга яқин почтага мурожаат қилишингизга тўғри келади.

— Хўп, шундай қиламан. Сизлардан илтимос, болалар тарбиясига бағишланган материалларни кўпайтирсангизлар. Газетангизнинг навбатдаги сонларини яхши ният билан кутамиз.

— Раҳмат сизга.

— Соғ бўлинглар, анча вақтларингизни олиб қўйдим... Хайр.

— Хайр...

Матлуба БОЗОРОВА
Бухоро шаҳри.

«ҲАММАМИЗНИНГ ЎЗ «ТОНГ ЮЛДУЗИ»МИЗ БЎЛАДИ

Бугун Феруза ўртоғим дарс давомида бошини кўтармай ниманидир ўқирди. Танаффусга чиқиш учун кўнгироқ чалинди ҳамки, у бошини кўтарай демасди.

— Феруза нима ўқияпсан?

— Ҳозир, ҳозир буламан.

— Вой, ҳозир эмиш, танаффус тугайди-ю, сен бўлсанг турай демайсан.

— Мана бўлди, — деди у қўлидаги газетни чиройли қилиб букларкан.

— Нима бу?

— «Тонг юлдузи» деган газета. Укамнинг қўлига қаердандир тушиб қолган экан. Шунчаки кўз югуртирмоқчи эдим, қизиқиб кетибман.

— Қизиқ эканми?

— Жуда ҳам.

— Менга ҳам бериб тур.

— Майли ола қол.

Газетани олиб ўқиб чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам жуда яхши экан. Қанийди ҳамма сонларини бирин-кетин ўқиб борсам. Миямга бир яхши фикр келиб қолди. Дарров Феруза ўртоғимга:

— Кел, «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлақолайлик, — дедим.

— Жуда зўр фикр, — деди у кувониб.

Биз бу таклифни синфдошларимизга айтганимизда кўпчилик бизга қўшилиб, обуна бўлишмоқчи бўлишди. Яқинда ҳаммамизнинг уз «Тонг юлдузи»миз бўлади. Қандай яхши.

Камола ҚУРБОНОВА
Тошкент шаҳридаги 157-мактаб

СИЗ ҲАМ ЯХШИ КЎРИБ ҚОЛАСИЗ

Биз ҳар жума куни дарсдан сўнг йиғилиб, ўзимизга маъқул бўлган газета ва журналлар ҳақида суҳбатлашамиз. Синф раҳбаримиз Марҳамат опа бошчилигида ўтказиладиган бу муҳокама ниҳоятда қизғин ва қизиқарли ўтади. Суҳбат навбати менга келганда ҳар гал «Тонг юлдузи» газетасидан бошлайман. Чунки бу газета менга жуда ёқади. Унинг саҳифаларидаги қизиқарли эртаклар, бадиий асарлар, республикамиздаги тенгдошларимиз ҳаётидан бериладиган лавҳалар, суҳбатлар мени ўзига жалб қилган.

Яқинда мен бу газетага обуна бўлдим. Бундан сўнг севимли газета билан янада яқинроқ бўлиш учун қонунчилигимиз ҳақида баъзи бир мақолаларимни бериб бормоқчиман. Яшаш тарзимиз, жамият ва қонун фани ҳақида, ундаги янгиликлар хусусида барча тенгдошлар билан ўртоқлашсам қандай соз.

Марҳамат опага менинг бу қарорим жуда маъқул келди:

«Узбекистоннинг қисмати учун ҳаммамиз, айниқса сиз ёшлар жавобгарсиз, чунки сиз унинг тонгини яратасиз. Дуст бўлишингиз, бир-бирларингиз билан фикр алмашишларингиз керак. Дустлик, ҳаммаслаклик йўлида сизларга доимо ёрдам қўлини чўзадиган севимли «Тонг юлдузи» газетаси бор. Бундан кенг фойдаланинг, азиз болалар», — деди Марҳамат опа менинг сўзимни якунлаб.

Мен бугун Узбекистонимиздаги болаларни «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлишга чақираман, ишончим комилки бу газетани яхши кўриб қоласиз...

Севинч ПАРПИЕВА
Тошкент шаҳридаги 258- мактаб қошидаги юридик лицей талабаси.

Билишни истаган эдингиз

НИНДЗАЛАР

Ниндза ёки Синобу — «жосус» деган маънони англатиб, инсонни олий даражадаги жисмоний ва руҳий тайёргарликдан ўтказади. Шарқона кураш усулларига асосланган бу санъат VII асрнинг бошларида Марказий Японияда шаклланган. Шаҳзода Сиётоку Тайси қудратли феодал Морий билан кураш олиб боради. Шунда у душман ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ниятида ўзининг ишончли кишиси Отомо — но — Сайдзинни жўнатади. Топшириқни аъло даражада бажарган, қимматли маълумотлар билан қайтган жосусга фахрий «Синобу» (Ниндза) унвонини беради. Ниндзалар ана шундан эътиборан пайдо бўла бошлаган.

Ниндзаларнинг ҳам ўзига хос синфий структураси бўлиб, уларнинг бошида ҳарбий раҳбар «дзёнин» турган. Унга бўйсунувчи «тюнин» ва энг сўнгги табақа — итоаткор «гэнин»лар берилган топшириқларни бажаришган. Аниқроғи, «тюнин»лар «дзёнин»нинг буйруқларини қуйи табақа бўлмиш «гэнин»ларга етказишган.

Энг мураккаб жисмоний тайёргарликдан ўтиш шубҳасиз «гэнин»лар зиммасига тушган. Биз ана шу «гэнин» ниндзаларининг гўдаклигидан то ўспиринлик давригача бўладиган айрим чиниқтирувчи машқлари ҳақида суҳбатлашамиз.

ГЭНИН НИНДЗАЛАРИ

Ниндзаларнинг фарзандлари туғилганданоқ чиниқтира бошланади. Гўдакнинг беланчаги уйнинг бурчагига ўрнатилиб, шундай куч билан тебратилганки, у деворга урилиб қайтиши зарур бўлган. Дастлабки пайтлари чақалоқ чинқириб йиғлаган. Аммо бора-бора у бундай машқларсиз ухлай олмайдиган бўлган. Орадан вақтлар ўтиб, ҳаракатлар мураккаблаша борган. Аввалига бола беланчакка маҳкам боғланган бўлса, энди эркин қўйилиб тебратилган. Энди кичкинтой, зарбаларга нафақат қўникиш, балки қўли, оёғи ёрдамида қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган. Эмаклай бошлаши билан машқларнинг қийин босқичларига рўбарў бўла бошлаган.

Боланинг устига юмшоқ, тахминан ўзининг вазнига тенг шар думалатилган. Натижада бу кучга қарши қўл-оёқларида ҳаракат пайдо бўлади. Дастлаб шар кучлилик қилса, кейинчалик у ўз «рақиб»ини енга бошлайди.

Гўдак ниндзаларга олти ойликдан бошлаб сузиш ўргатилади. Бола аста-секинлик билан соатлаб сувда қолдирилади. Ҳатто икки-уч дақиқагача нафас олдирмай турилади.

Икки ёшга кирган болаларга эса ўта чаққонлик талаб этувчи : «цап-цап», «сороку-воровку» дея номланадиган ўйинлар ўргатилади.

Уч ёшдан бошлаб чиниқтирув уқалашлари, нафасни маромлаш машқлари бошланади.

Бола юриш, югуриш, сакраш ва сузишни ўргангандан кейин, яъни ер ва сув билан «тиллаша» олишни эгаллагач, коинот босқичига ўтган. Бу босқич даставвал соддароқ машқлар билан бошланган ва мураккаблик томон силжиган. Дарахтнинг устида шохдан-шохга сакраш, баландликка ва баландликдан сакраш жисмоний имкониятлардан келиб чиқиб бажарилган. Қўл, оёқ, тана сакраш машқларида амортизация вазифасини ўтаган.

10-12 ёшида болалар тўхтовсиз ўнлаб километр масофани чопиб ўтиши керак бўлган. Йўлларда турли хил махфий тўсиқ, қопқон, ўралар, ўтдан тайёрланган иплар қўйилган бўлиб, югуриб бораётган ниндзалар буни пайқамаса қоқилиши мумкин бўлган.

Душман ҳудудида бир ишни бажараётганда ниндзалардан нафақат югуриш балки юриш санъати ҳам ўзига хос бўлиши талаб этилган. Гуруҳ бўлиб бирон топшириқни бажаришаётганда отряд сонини билдирмаслик учун товонни битта издан кетма-кет шундай босиб юриш керак бўлганки, токи қолдирилган из фақат бир кишига тааллуқлидай бўлсин.

Ёш ниндзалар чавандозлик сирларини ҳам қунт билан эгаллашган. Уларнинг отдан отга сакраб ўтиш билан боғлиқ машқлари ҳатто акробатик трюкларга айланган.

4-5 ёшидан бошлаб ўғил ва қиз ниндзаларнинг лагерларида дзю-дзюцу мактаби системасида жангларнинг қуролсиз ва қурол билан ишлаш техникасини ўргатилган. Ва бунда албатта акробатика элементлари уйғунлашган.

Организмни тобора чиниқтириш мақсадида ёш ниндзаларни қор устида ухлаш, муз устида ўтириш, қуёш тиғи остида кунлаб туришга мажбур этишган. Бир неча кунлаб сувсиз, овқатсиз юриш, ўрмон неъматларидан тановвул этишга ҳам ўргатила борилган.

Разведкага ёки бирон операцияни бажаришга кўпинча тунда чиқилгани боис ниндзаларнинг кўриш қобилияти болалигидан чиниқтирилган. Яъни ёшгина болаларни ҳафталаб, ўн кунлаб қоп-қоронғи, зимистон ғорларга қамаб қўйилиб, бунга тайёрлантирилган.

Улардаги ўткир назарлиликни, сердиққатликни ошириш мақсадида ўндан ортиқ буюмни бир жойга йиғиб устини бирон нарса билан ёпиб қўйилган. Ва бир-икки дақиқа ичида уларнинг усти очиб, ёпилган. Қарабсизки, бир лаҳза ичида ниндза буларинг ҳаммасини пайқаб, номма-ном айтиб бериши шарт бўлган. Бу билан улар бирон топшириқни бажарганда душман ҳудудидаги ҳар бир керакли нуқтани хотирага муҳрлашни ўрганишган.

Ниндзалар қушларни, жонзодларни овозидан фарқлабгина қолмай, рақибининг шартли сигналларини ҳам ажрата олишган.

Хуллас, ниндзалардаги мардлик, жасурлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик уйғунлашиб, уларни ҳар томонлама етук қилишга ёрдам берган.

Алижон САФАРОВ тайёрлади.

МИТТИ МАСАЛЛАР

ТОВУС БИЛАН ТУРНА

— Вой безори-ей, сен ҳам ўзингни қушман деб юрибсанми, а? — деди Товус Турнага лаб буриб. — На бирор безагинг бор, на тузукроқ либосинг. Дунёга келиб нима кўрдинг?

— Мен кўрган жойларни сен икки дунёда ҳам кўролмайсан, — деб мағрур жавоб қилди Турна.

ОЁҒИ ОСМОНДАН КЕЛГАН ТОШБАҚА

— Менга ҳеч нарса кор килмайди, мустаҳкам қалқоним бор, — ўзича мағрур деди Тошбақа.

Нима бўлиб у ағдарилиб тушди. Оёғи осмондан бўлган Тошбақа ўзини ўнглаб ололмади.

ТИПРАТИКАН БИЛАН ҚУЁН

Типратикан Қуённи меҳмонга чақирди. Зиёфат яхши ўтди, лекин Қуён бошқа буёқларга сира қадам босмади.

— Ҳа, Қуёнжон, биз томонларга ҳеч келмай қўйдинг, юр, меҳмон бўл, —деди Типратикан.

— Раҳмат, ишим кўпроқ, — деди Қуён сесканиб. Унинг эсига Типратиканнинг тиканлари тушган эди-да...

БОЙҚУШ БИЛАН СИЧҚОН

Сичқон кечаси овга чиқди. Ўлжасини ўмариб инига қайтаётган эди, қоронғуда Бойқушга рўпара келди.

— Худди ўзларини кутиб турган эдик-да, — деди-ю Бойқуш Сичқонни ўлжа-пўлжаси билан кўтариб кетди.

Ўғрини қароқчи урган эди...

ЎРГИМЧАК БИЛАН ПАШША

— Нима бу? — деб сўради Пашшанинг боласи Ўргимчак инини кўриб.

— Асл мато, четдан келтирилган, мана ушлаб кўр, — деди Ўргимчак. Пашша қўл тегизди-ю илинди-қолди.

ДОРБОЗ БИЛАН ЛАНГАРЧЎП

Дор устидаги дорбоз лангарчўпни тушириб юборди.

Энди — тамом.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Онажоним — табиат.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Мерат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0507.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: № 64563
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй